

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**АЗИМОВ САИДУМАР САИДОВИЧ**

**КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА  
ТАШҚИ МАНБА МАЪЛУМОТЛАРИДАН САМАРАЛИ  
ФойДАЛАНИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
Экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
Economical sciences**

**Азимов Саидумар Саидович**

Камерал солиқ текширувини ташкил этишда ташқи манба  
маълумотларидан самарали фойдаланиш..... 3

**Азимов Саидумар Саидович**

Эффективное использование данных внешних источников при  
организации камеральной налоговой проверки..... 27

**Azimov Saidumar Saidovich**

Efficient use of the data of external sources when organizing an in-  
house tax audit..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 58

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**АЗИМОВ САИДУМАР САИДОВИЧ**

**КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА  
ТАШҚИ МАНБА МАЪЛУМОТЛАРИДАН САМАРАЛИ  
ФЙДАЛАНИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Iqt1166 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот-тақлим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ниязметов Исламбек Машарипович иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Бурханов Ақтам Усманович иктисодиёт фанлари доктори, профессор  Нуруллаев Абдулязиз Сирожиiddинович иктисодиёт фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03.10.12.2019.1.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)



**И.Х. Жумаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Б.Т. Бердияров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

**С.К. Худойкулов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ҳукм сурган COVID-19 пандемияси глобал ялпи ички маҳсулотнинг 2008 йилдаги молиявий инқирозга қараганда анча кўпроқ қисқаришига олиб келди. Хусусан, бундай йўқотиш 2020 йилнинг биринчи ярмида қарийб 10 фоизга, 2020 йил якунлари бўйича эса 3,4 фоизга етди. Пандемия оқибатларини юмшатиш борасида уй хўжаликлари ва бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш даражаси мамлакатлар бўйича бўлган. Бунда аксарият давлатлар кенг қўламли чора-тадбирларни ўз ичига олади фискал пакетларни самарали қўллади. «Тўғридан-тўғри бюджет трансфертлари, иш ўринларини сақлаб қолишга қаратилга солиқ имтиёзлари, тадбиркорлик субъектлари учун солиқ таътиллари ва бошқалар шулар жумласидандир»<sup>1</sup>. Пандемия сабабли дунё мамлакатларида солиқ сиёсатининг юмшатилиши, ўз навбатида, солиқ назорати билан боғлиқ муаммоларни юзага келтирмоқда. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари тажрибасига кўра солиқ маъмурчилиги самарали фаолиятини таъминлашда солиқ органлари билан давлатнинг бошқа идоралари ва ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик тизимини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, АҚШ, Япония, Европа Иттифоқи давлатлари ва бошқа кўплаб давлатлар тажрибаси кўрсатдики, кенг қамровли солиқ назорати тизимининг асосий элементларидан бири камерал солиқ текширувларидир. Шу нуқтаи назардан, камерал солиқ назорати тизимини халқаро стандартлар талаблари ҳамда умумэтироф этилган тадқиқот натижалари асосида ташкил этиш ва самарадорлигини ошириш барча мамлакатлар солиқ тизими учун долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда глобаллашув жараёнларининг кучайиб бориши ҳукуматлар олдида бизнес учун қулай солиқ муҳитини яратиш масаласини қўймоқда. Шу сабабли бугунги кунда дунёнинг етакчи халқаро молия институтлари ва тадқиқот марказларида солиқ маъмурчилиги тизимининг асосий бўғини ҳисобланган солиқ назоратини такомиллаштириш масалалари, хусусан, камерал солиқ текшируви самарадорлигини таъминлаш, бунда ташқи манба маълумотларидан самарали фойдаланиш юзасидан кенг қамровли илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Жаҳон банкининг «COVID-19: Солиқ сиёсати ва даромадларни бошқариш оқибатлари тўғрисида»ги ҳисоботида коронавирус пандемияси шароитида давлатларнинг бюджет даромадлари шаклланишига эътибор қаратилган ҳолда амалдаги солиқ механизмларини такомиллаштириш, ташқи манба маълумотларидан фойдаланиш орқали маълумотларни такомиллаштириш солиқ маъмуриятчилигида замонавий илмий тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида намоён бўлмоқда.

---

<sup>1</sup> OECD Work Tax and Fiscal Policy in Response to the Coronavirus Crisis 2020. Centre for Tax Policy and Administration/ <https://www.oecd.org/ctp/tax-policy/tax-and-fiscal-policy-in-response-to-the-coronavirus-crisis-strengthening-confidence-and-resilience.htm>; Fiscal Policy and Growth in Developing Asia / ADB Economics Working Paper Series. No. 412, 2014.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган кенг қамровли солиқ ислохотлари, хусусан, солиқ маъмурчилигида амалга ошириб келинаётган институционал ўзгаришлар натижасида солиқ назорати, жумладан, камерал солиқ текширувнинг мазмун-моҳияти янгирақ тус олди. Ўз навбатида, солиқ амалиёти таҳлили шуни кўрсатдики, бугунги кунда солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш учун ташқи манба маълумотларини тўплайдиган базанинг такомиллашмаганлиги, корхоналар солиқ мажбуриятлари самарали усуллар орқали назорат қилинмаётганлиги, камерал солиқ назорат оддий арифметик амаллар орқали амалга оширилиши оқибатида солиқ назорати кўпроқ инсон омилига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу сабабли, ушбу муаммоларнинг илмий асосланган ечимини топишда камерал солиқ текширувини ташкил этишда ташқи манба маълумотларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш долзарб масала бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6098-сон «Яширин иқтисодий қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сон «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3802-сон «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Камерал солиқ текширувини ташкил этишда ташқи манба маълумотларидан самарали фойдаланиш, шу жумладан, солиқ назорати ҳамда солиқ текширувларига доир масалалар бўйича Р.Арабов, Л.Ахметов, Г.Беккер, Д.Буханов, Дж.Гордон, А.Дадашев, Л.Дробозина, Д.Ендовицкий, И.Майбуrows, Дж.Мартинес-Васкес, М.Мишустин, Н.Овчинникова, И.Пайзуллаев, О.Петрова, А.Соколовская, Б.Тарглер, Ж.Фридман, Б.Штрюмпель, Е.Энгель ва бошқалар томонидан илмий ишлар олиб борилган<sup>2</sup>.

---

<sup>2</sup> Ахметов Л.А., Арабов Р.Р. Развитие прямых и косвенных методов налогового контроля в современных экономических условиях. // Ученые записки: Роль и место цивилизованного предпринимательства в экономике России: Сборник научных трудов. Выпуск XLI. – М.: Российская академия предпринимательства, АП «Наука и образование», 2014; Дадашев А.З., Пайзуллаев И.Р. Налоговый контроль в Российской Федерации.: Кнорус, 2011; Дробозина.Л. Финансы. Денежное обращение. – М.: Юнити-Дана, 2009.; Ендовицкий Д.А., Щербаков М.В. Диагностический анализ финансовой несостоятельности организаций: Учебное пособие / Под ред. проф. Д.А. Ендовицкого. – М.: Экономистъ, 2007; Мишустин М. Информационно-

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари ва тадқиқотчиларидан Ж.Абдуллаев, А.Абдуқодиров, Э.Гадоев, И.Ниязметов, Х.Собиров, Б.Ташмурадова, Ш.Тошматов, Б.Умаров, Қ.Яҳёев, И.Юлдашев ва бошқалар томонидан мавзунинг айрим жиҳатларига доир тадқиқотлар амалга оширилган<sup>3</sup>.

Юқорида келтирилган ишларда Ўзбекистон Республикасида солиқ тўловчиларнинг фаолиятини камерал солиқ текширувидан ўтказиш ва текширувни ташкил этиш бўйича ташқи манба маълумотларидан фойдаланиш ҳамда ташқи манба маълумотларидан самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий, услубий жиҳатлари ва амалий муаммолари алоҳида ва яхлит илмий тадқиқот объекти сифатида комплекс ўрганилмаган. Бу эса мазкур мавзунинг тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқаради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг «Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор ривожланиши шароитида банк-молия, солиқ ва инвестиция фаолиятини модернизациялаш муаммоларини илмий ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий тадқиқот ишларига мувофиқ равишда бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** камерал солиқ текширувини ташкил этишда ташқи манба маълумотларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

солиқ назоратининг назарий асослари ва объектив зарурлигини тадқиқ этиш;

камерал солиқ назорати ва текшируви категорияларининг шаклланиши ва солиқ назорати тизимида тутган ўрнини ёритиш;

---

технологическое основы государственного налогового администрирования в России: Монография. – М.: Юнити-Дана, 2005г.; Мишустин.М Новации в налоговом администрировании. Майбуров И.А., Соколовская А.М. Проблема уклонения от налогов: 139 теоретический анализ, изучение факторов и последствий. // Вестник УрФУ. Серия «Экономика и управление», 2012. – № 4.; Овчинникова Н.О. Налоговое планирование и налоговый контроль со стороны правоохранительных органов. – М.: Дашков и К., 2008; Петрова О.Г., Буханов Д.А. Выездная проверка в 2013 году: налоговики меняют тактику. – М.: Статус-Кво 97, 2013.; Gordon J.P.F. Individual morality and reputation costs as deterrent to tax evasion // European Economic Review. – 1989. – № 33.; Martinez-Vazquez J., Rider M., Multiple Modes of Tax Evasion: Theory and Evidence, National Tax Journal 58: – 2005.; Becker G.S. Crime and Punishment: An Economic Approach, Journal of Political Economy 76 compliance and tax morale: a theoretical and empirical analysis. Cheltenham, UK: Edward Elgar, 2007. 163.; Trade- base Freedman J., Loomer G., Vella J. Corporate Tax Risk and Tax Avoidance: New Approaches // 1 British Tax Review. – 2009.; Strümpel B. The contribution of survey research to public finance. In A.T. Peacock (Ed.), Quantitative Analysis in Public Finance. New York: Praeger, 1969.; Engel E., Hines J., Understanding Tax Evasion Dynamics, NBER Working Paper №6903, Cambridge. y 1999.

<sup>3</sup> Гадоев Э. ва бошқ. Солиққа оид хатолар. – Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 1996. -128 б.; Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. Монография. – Тошкент, Fan va texnologiya.– 2008.– 204 б.; Яҳёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. - Т.: Фан ва технологиялар, 2003. – 247 б.; Альмардонов М. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга солиқ тизимининг таъсири: Монография. – Т.: ТМИ, 2003. – 233 б.; Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари: Монография. – Т.: Фан, 2004. – 243 б.; Абдурахманов О.К. Налоговые системы стран с переходной экономикой: Монография. – М.: Издательство «Палеотин», 2005. - 376 с.; Тошмурадова Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. – Т.: Янги аср авлоди, 2002.-128 б.; Ниязметов И. Солиқ тизими барқарорлигини таъминлашда солиқ назоратининг такомиллашуви / Ўзбекистонда молиявий секторнинг ролини ошириш ва унда илғор хориж тажрибасидан фойдаланиш: халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 02.04.2015. ТМИ, ЎзР БМА. – Т.: Iqtisod-moliya, 2015. 119-122-б.

Ўзбекистонда камерал солиқ нозорати ва текшируви институтининг шаклланиши ҳамда ривожланиш босқичларини таҳлил қилиш;

камерал солиқ текширувини самарали ташкил этишда ташқи ахборот манбаларнинг аҳамияти ва заруратини асослаш;

камерал солиқ текширувида фойдаланиладиган ташқи ахборот манбалари сифати ва ишончилиги бўйича амалий ҳолатни таҳлил қилиш;

солиққа оид ахборот алмашиш бўйича ҳамкорлик тизимини ташкил этишнинг ҳуқуқий ва услубий асосларини тадқиқ этиш;

камерал солиқ текширувида ташқи манба маълумотларидан самарали фойдаланишнинг хориж тажрибасини ўрганиш;

камерал солиқ текшируви сифатини ошириш, ташқи манбалардан ахборот олиш тезкорлиги ва тўлиқлигини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида камерал солиқ текшируви учун ташқи ахборот манбаларидан фойдаланиш фаолияти олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** камерал солиқ текширувини ташкил этишда ташқи манба маълумотларидан фойдаланиш жараёнида вужудга келувчи солиқ муносабатлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, динамикада ўрганиш, тизимли ёндашув, кузатув, эксперт баҳолаш, қиёсий таҳлил, омилли таҳлил ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

корхонада ходимлар сонини яшириш ҳолатларининг олдини олиш ва солиқларни тўғри ҳисоблаш мақсадида Давлат хизматлари маркази томонидан лицензиялар беришда иш берувчилар томонидан ходимларнинг солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) ва жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами (ЖШШИР) ёзилишини жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

корхона таъсисчиларининг улуши сотилиши, бепул берилиши, ҳада қилиниши, гаровга қўйилиши бўйича солиқ мажбуриятларини нозорат қилиш мақсадида Давлат хизматлари марказларида рўйхатдан ўтказилган таъсис улушлари ўзгаришларини Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар базаси билан интеграциялаш таклиф этилган;

хуфёна фаолият юритаётган хўжалик субъектларининг манзилларини аниқлаш мақсадида Давлат хизматлари агентлиги орқали уларни рўйхатдан ўтказиш вақтида кадастр рақамларини ҳамда корхоналарнинг фаолият юритиш манзилларини кўрсатиш талабини жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

хўжалик субъектлари томонидан топшириладиган (солиқ, статистика ва меҳнат) ҳисоботларнинг маълумотларидаги тафовутларни бартараф этиш мақсадида ўхшаш ва бир-бирини такрорловчи ахборотларни бирлаштириш ҳамда ягона электрон тизим орқали юбориш таклиф этилган.



**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

бир турдаги маълумотларни тадбиркорлик субъектларидан бир марта сўраб олиш мақсадида барча турдаги ҳисоботлар ҳамда маълумотлар базаларини интеграциялаш ва маълумотларни бошқаришнинг ягона давлат тизимини яратиш таклиф этилган;

корхоналарда бўш иш ўринларини аниқлаш мақсадида меҳнат дафтарчаларининг электрон ҳисобини юритиш ва корхоналарнинг штат жадвалини мазкур тизимга улаш таклиф этилган;

камерал солиқ текширувида давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти билан боғлиқ барча ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини интеграция қилиш таклиф этилган;

хўжалик юритувчи субъектларнинг маълумотлари ўзгарган тақдирда бу маълумотларни солиқ органларида автоматлашган тарзда акс эттириш ва маълумотларда кадастр рақамларини киритиш тизимини жорий этиш орқали камерал солиқ текшируви элементлари такомиллаштирилган;

ягона миллий меҳнат ахборот тизимини жорий этиш орқали яратилаётган янги иш ўринлари ҳақида давлат солиқ хизмати маълумотлар базасига ахборотни автоматик йўналтириш механизминини йўлга қўйиш лозимлиги асослаб берилган;

ҳақ тўланадиган жамоат ишлари ҳисобини юритишда буюртмачи ташкилотлар томонидан ахборот тизими орқали тўланадиган маблағларни тегишли солиқларни ушлаб қолган ҳолда фуқаролар кесимида тижорат банкларига ойлик иш ҳақлари қайдномасини электрон шаклда тақдим қилиш тизимини жорий этиш таклифи ишлаб чиқилган;

транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш учун янги лицензия олишда автоматлаштирилган тизимда ариза берувчилар томонидан ходимларнинг маълумотларини тўлдиришда СТИР рақамлари ёзилишини жорий этиш орқали улар томонидан ходимлар сонини яшириш ҳолатларининг олди олиниши ва солиқларнинг тўғри ҳисобланиши асосланган;

хўжалик субъектлари ҳисоботлари асосида солиқ рискларини аниқлашнинг замонавий механизмларини жорий этиш, бунинг учун ташкилотлараро барча маълумотларда, шу жумладан, лицензиялар ва бошқа турли рухсатномалар олинишида СТИР рақамлари ва ЖШШИР рақамлари қўйилишини жорий этиш таклифи ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, фойдаланилган таҳлилий материаллар ва статистик маълумотларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги, халқаро молия институтлари ва хорижий давлатларнинг расмий манбаларидан олинганлиги, тадқиқотлар аниқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва амалий маълумотлар, хусусан, корхоналарнинг молиявий ҳисоботлари таҳлиliga

асосланганлиги ҳамда ишлаб чиқилган таклифларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, тадқиқот иши натижасида олинган ва илгари сурилган назарий-методологик базис, илмий таклиф ва амалий тавсиялар республикада камерал солиқ текширувини ўтказишда ташқи манба маълумотларидан самали фойдаланишни такомиллаштиришга қаратилган келгусидаги махсус илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улардан солиқ органларида ташқи манба маълумотларидан самарали фойдаланиш орқали камерал солиқ текширувининг самарадорлигини ошириш механизмларини ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкинлиги билан белгиланади. Ишнинг илмий ва услубий натижаларидан олий таълим муассасаларида «Солиқ маъмурчилиги асослари», «Солиқ назорати» каби фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Камерал солиқ текшируви учун ташқи манба маълумотларидан самарали фойдаланишни тадқиқ этлиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

корхоналарда ходимлар сонини яшириш ҳолатларининг олдини олиш ва солиқларни тўғри ҳисоблаш мақсадида Давлат хизматлари маркази томонидан лицензиялар беришда иш берувчилар томонидан ходимларнинг солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) ва Жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами (ЖШШИР) ёзилишини жорий этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Адлия вазирлиги ўртасидаги 2020 йил «Йўл харитаси»да тасдиқланган ва шу асосида ташкилотлар ўртасида маълумотлар базалари интеграция қилинган (Давлат хизматлари агентлигининг 2020 йил 15 январдаги 3/6-66/6-сон маълумотномаси). Натижада хўжалик субъектлари ходимлари маълумотларини рақамлаштириш орқали камерал солиқ текшируви ўтказилишига замин яратилган. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида 1 йилда 5 та йўналишда 150,1 млн. сўм бюджетга қўшимча даромад манбалари аниқланган;

корхона таъсисчиларининг улуши сотилиши, бепул берилиши, ҳада қилиниши, гаровга қўйилиши бўйича солиқ мажбуриятларини назорат қилиш мақсадида Давлат хизматлари марказларида рўйхатдан ўтказилган таъсис улушлари ўзгаришларини Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар базаси билан интеграциялаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги давлат хизматлари маркази ва Давлат солиқ қўмитаси ўртасида тузилган йўл харитасида ўз аксини топган (Давлат хизматлари агентлигининг 2020 йил 15 январдаги 3/6-66/6-сон маълумотномаси). Таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида мазкур йўналишда маълумот алмашинуви йўлга қўйилиб, биргина Қорақалпоғистон Республикасининг ўзида 1 йилда ўртача

187 та юридик шахс бўйича 779,2 млн. сўмлик бюджетга қўшимча даромад манбалари аниқланган;

хуфёна фаолият юритаётган хўжалик субъектларининг манзилларини аниқлаш мақсадида Давлат хизматлари агентлиги орқали уларни рўйхатдан ўтказиш вақтида кадастр рақамлари ҳамда корхоналарнинг фаолият юритиш манзилларини кўрсатиш талабини жорий этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 июлдаги «Электрон ҳукумат тизимини янада ривожлантириш, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг ўз фаолияти бўйича жамоатчилик олдида электрон ҳисобот бериш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 444-сон қарори билан тасдиқланган «Маълумотларни бошқариш ахборот тизими орқали давлат органлари ва ташкилотлари маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомда ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 3 сентябрдаги 44-8/5050-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши хўжалик субъектларининг солиқ ва бошқа ташкилотларга юборадиган ҳисоботлари сони қисқариши, шунингдек, мазкур маълумотлардан самарали фойдаланиш орқали юқоридаги ҳолатларни автоматлаштирилган ҳолда таҳлил қилиш ва солиқ рискинни қисқа муддатда аниқлаш имкониятларини яратган;

хўжалик субъектлари томонидан топшириладиган (солиқ, статистика ва меҳнат) ҳисоботлар маълумотларидаги тафовутларни бартараф этиш мақсадида ўхшаш ва бир-бирини такрорловчи ахборотларни бирлаштириш ҳамда ягона электрон тизим орқали юбориш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури»нинг 139-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги лойиҳа бошқарув миллий агентлигининг 2020 йил 13 майдаги 01-61-сон маълумотномаси). Таклиф қилинган механизмнинг жорий қилиниши натижасида давлат солиқ ва статистика органлари маълумотларидаги тафовутларни бартараф этиш орқали камерал солиқ текшируви самарадорлигини ошириш имконияти яратилди. Бунинг натижасида Қорақалпоғистон Республикасининг ўзида 1 йилда ўртача 685,7 млн. сўм қўшимча даромад манбалари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 13 та, жумладан, 9 та республика, 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган маҳаллий илмий нашрларда 3 та, нуфузли хорижий журналларда 1 та илмий

мақолалар, шунингдек, 9 таси республика ва 4 таси хорижий илмий-амалий анжуманлар тезисларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, саккизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий матни ҳажми 126 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Солиқ назоратининг назарий-услугий асослари ва солиқ назорати тизимида камерал солиқ текширувининг роли»** деб номланган биринчи бобида солиқ назоратининг назарий асослари, унинг солиқ муносабатлари тизимида объектив зарурлиги, камерал солиқ назорати ва текшируви категорияларининг шаклланиши ҳамда солиқ назорати тизимида тутган ўрни, шунингдек, уларнинг услубий асослари тадқиқ қилинган.

Муаммонинг назарий асосларини ўрганишда қатор муаллифларнинг солиқ назорати категорияси ҳақидаги фикрлари таҳлил қилинган. Унга кўра назарий ва ҳуқуқий адабиётларда солиқ назорати тушунчасига тор ва кенг маънода ёндашувларни учратиш мумкин. Тор маънода солиқ назорати давлатнинг қонунийлик ва мақсадга мувофиқлик орқали ваколатли органлар томонидан солиқлар ва йиғимларни белгилаш ҳамда ундириш жараёнидаги назорати сифатида ўрганилади. Кенг маънода эса солиқ назорати давлат ваколатли органлари томонидан солиқ муносабатлари барча иштирокчиларининг солиққа оид қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш тизимидир.

Илмий адабиётларда таъкидланишича, солиққа тортиш соҳасидаги жамоат муносабатларининг ҳозирги ривожланиш даражаси ва тартибга солишнинг доимий равишда такомиллашиб бориши солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларни илмий таҳлил қилиш ва давлатнинг солиқ имтиёзларини амалга оширишда ўз манфаатларини рўёбга чиқариш учун фойдаланиладиган ташкилий-ҳуқуқий механизмларни тушунишни талаб этади<sup>4</sup>.

Солиқ муносабатлари тизимида солиқ назоратининг объектив зарурлиги аксарият солиқ тўловчиларнинг ва ҳатто ҳали солиқ тўловчи мақомини ҳам

---

<sup>4</sup> Ахметов Л.А., Арабов Р.Р. Развитие прямых и косвенных методов налогового контроля в современных экономических условиях // Учебные записки: Роль и место цивилизованного предпринимательства в экономике России: Сборник научных трудов. Выпуск XLI. – М.: Российская академия предпринимательства, АП «Наука и образование», 2014. – С. 35-40.

олмаган субъектларнинг солиқдан қочишга мойиллиги ёки солиқ тўлаш истаги йўқлиги билан изоҳланади.

Сўнгги йилларда ривожланган мамлакатларда солиқ назорати амалиётида потенциал риск ва унинг таъсири натижасида рўй берадиган ҳодисаларни эрта аниқлаш ва баҳолашга имкон берувчи энг илғор таҳлилий усулларга асосланган ёндашув кенг тарқалган. Муаллифнинг фикрича, солиқ назоратида хавф даражасига асосланган ёндашувнинг асоси солиқ rischi даражаси паст компаниялар ҳужжатли текширувларини рад этиш бўлиши керак. Аксинча, текшириш тизимининг марказида хавф даражаси юқори бўлган солиқ тўловчилар фаолиятига эътибор қаратиш лозим<sup>5</sup>.

Хавфни эрта аниқлаш солиқ органларига қуйидагиларга имкон беради:  
солиқ назорати тамойилларини турли солиқ тўловчиларга нисбатан яхлит ҳолда ва бир хилда амалга ошириш;

мавжуд бўлган молиявий ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш;  
ихтиёрий равишда солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш;  
солиқ тўловчиларни қонун бузилиш ҳолатлари ҳақида ўз вақтида хабардор этиб, шу орқали уларни тўлов қобилиятини йўқотиш ва банкротликдан сақлаш;  
солиқ тўловчилар имкониятларини ўрганиб, солиқ тўлашдан бўйин товлаш сабабларини мунтазам равишда аниқлаш.

Глобаллашув ва иқтисодий инқирозлар даврида солиқ назорати илғор усул ва технологияларни қўллаган ҳолда янада самарали ишлаши зарур. Яъни солиқ хизмати органларининг чекланган меҳнат ресурсларидан самарали инновацион усул ва воситалардан фойдаланган ҳолда якуний натижага эришишга ёрдам беради.

Умумий солиқ назорати тизимида камерал назорат (текширув) солиқ рискларини эрта аниқлаш ва солиқ тўловчиларни оғир ҳуқуқий оқибатлардан сақлаш имконини берувчи марказий бўғин ҳисобланади.

Камерал текширув солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботлари ҳамда солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органида мавжуд бўлган, шунингдек, ташқи манбалардан олинадиган бошқа маълумотларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш асосида амалга ошириладиган назорат шакли ҳисобланиб, уни ўтказиш йўналишлари қуйидагича:

солиқ тўловчининг кўрсатилган манзилда мавжудлигини ўрганиш;  
солиқ ва молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ ва тўғри топширилганлигини кўздан кечириш;  
арифметик ва техник хатоликлар йўқлигини текшириш;  
солиқ имтиёзлари ва енгилликлардан ўринли фойдаланилганини текшириш;  
солиқ ставкаларининг тўғри қўлланилганини текшириш;  
солиқ базаси тўғри аниқланганини текшириш.

---

<sup>5</sup> Грачев О.В. Уклонение от уплаты таможенных платежей, взимаемых с организации или физического лица, как угроза экономической безопасности Российской Федерации в сфере таможенной интеграции. // *Налоги*. – 2012. – № 6. – С. 29–31.


Моҳиятига кўра солиқ текширувларини фақат камерал назорат ўтказилганидан сўнг амалга ошириш лозим. Камерал солиқ назорати асосан солиқ органларида мавжуд маълумотлар ва давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлардан олинadиган ташқи ахборот манбаларига асосланади. Камерал текширув туфайли солиқ тўловчилар доимо назорат остида эканликларини ҳис этиб турадилар. Бундан ташқари, самарали камерал текширув солиқ мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида бажармаётган хўжалик субъектларини ажратиб (танлаб) олиб ўрганиш ўтказилишига асосланади. Бундан кўринадики, камерал текширув кейинги (якуний, кенгайтирилган) аудит ёки тафтиш тарзидаги солиқ текширувлари ўтказилиши учун белгиловчи аҳамият касб этувчи самарали назорат шакли ҳисобланади.

Камерал текширув самарали амалга оширилиши учун биринчи навбатда солиқ тўловчиларга оид ишончли маълумотлар базасини шакллантириш муҳим. Давлат солиқ органларида солиқ тўловчиларнинг фаолияти бўйича маълумотлар базаси ички ва ташқи манбалар асосида шакллантирилади.

Ички маълумотлар базаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- солиқ ва молиявий ҳисоботлар;
- солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкаларидаги маълумотлар;
- ўтказилган солиқ текширувлари натижаларига оид маълумотлар;
- мониторинг, хронометраж, ва паспортлаштириш маълумотлари.

Солиққа оид маълумотлар базасининг кенг ва сифатли шаклланишида эса ташқи ахборот манбаларининг аҳамияти жуда катта. Ташқи маълумотлар базаси давлат солиқ хизмати органларига маълумотларни тақдим этиш мажбурияти юклатилган давлат органлари, ташкилот ва муассасалардан олинadиган ахборотлар асосида шаклланади.



**1-расм. Солиқ рискларини аниқлашда ташқи манба маълумотларининг ўрни<sup>6</sup>**

Солиққа оид ташқи манба маълумотлари асосан қуйидаги кўринишларда олинади:

- сўраб (талаб қилиб) олинadиган маълумотлар;

<sup>6</sup> Муаллиф томонидан тайёрланди.

Ўз-Ўзидан (ихтиёрий) бериладиган маълумотлар;  
автоматик тарзда тақдим этиладиган маълумотлар.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда камерал солиқ назорати (текшируви) ва унда ташқи манба маълумотларидан фойдаланишнинг амалдаги ҳолати таҳлили» деб номланган иккинчи бобида республикада камерал солиқ назорати ва текшируви институтининг шаклланиши ҳамда ривожланиш босқичлари ўрганилган. Камерал солиқ текшируви механизмининг амалдаги ҳолати танқидий таҳлили амалга оширилиб, унда ташқи манба маълумотларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ муаммолар ёритиб берилган.

Ўзбекистонда солиқлар йиғилувчанлигини ошириш учун ташқи манба маълумотларини тўплаш базаси такомиллашмагани, корхоналар солиқ мажбуриятлари самарали усуллар орқали назорат қилинмаётгани, камерал назорат оддий арифметик амаллар орқали амалга оширилиши натижасида солиқ назорати кўпроқ инсон омилига боғлиқ бўлиб қолган.

Амал қилиб келган камерал солиқ назорати тизимида солиқ тўловчилар солиқ органларига асослантирувчи ҳужжатларни тақдим этишлари учун жуда кўп ҳужжатлардан нусхалар тайёрлаши ҳамда солиқ органларига асослаб бериши учун жуда кўп вақт талаб этилган. Бундан ташқари, олдинги камерал назорат солиқ ва молиявий ҳисоботларни ёппасига даврий кўздан кечириш тарзида амалга оширилган бўлиб, у кўпроқ техник характерга эга бўлган. Шу сабабдан, 2020 йилдан Ўзбекистонда ушбу жорий солиқ назорати тури ўрнига камерал текширув институти жорий этилди.

Қуйидаги жадвалда олдинги камерал назорат ва амалдаги камерал солиқ текшируви механизмидаги фарқлар қиёсий таҳлил қилинган.

### 1-жадвал

#### 2020 йилдан камерал солиқ назорат механизмининг ўзгариши<sup>7</sup>


Олдинги камерал назорат	Амалдаги камерал солиқ текшируви
<p>Камерал назорат барча корхона ва ташкилотлар бўйича автомат тарзда амалга оширилган.</p> <p>Солиқ тўловчидан қўшимча ҳужжат (маълумот) талаб қилиш таъқиқланган.</p> <p>Қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган тақдирда солиқ тўловчига тафовутлар тўғрисида талабнома ёзма тарзда юборилган.</p> <p>Солиқ хизмати органлари корхонанинг фаолият жойини кузатиши мумкин бўлмаган.</p> <p>Камерал назорат муддати белгиланмаган.</p> <p>Солиқ тўловчи талабномага шахсан ўзи жавоб юбориши белгиланган.</p> <p>Талабномага белгиланган муддатда жавоб хати тақдим этилмаганда солиқ тўловчининг банк ҳисоб рақами ҳаракати тўхтатилган.</p> <p>Камерал назорат натижаси молиявий жарималар қўлланилишига асос бўлмайди.</p>	<p>Камерал текширув ёппасига эмас, фақат ўрта ва юқори солиқ rischi мавжуд бўлган хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилади.</p> <p>Камерал солиқ текширувини ўтказиш учун буйруқ талаб қилинади.</p> <p>Солиқ хизмати органлари солиқ тўловчидан қўшимча ҳужжат сўраб олишга ҳақли.</p> <p>Камерал солиқ текшируви ўтказиш муддати 30 кунгача амалга оширилиши мумкин.</p> <p>Талабномага нафақат солиқ тўловчи балки солиқ маслаҳатчилари ҳам жавоб бериши мумкин.</p> <p>Талабномага жавоб берилмаган тақдирда хўжалик субъектларининг банк ҳисоб рақамлари тўхтатилади ҳамда солиқ аудити ўтказилади.</p> <p>Камерал солиқ текшируви натижаси бўйича молиявий жарималар қўлланилмайди, лекин пеня ҳисобланиши мумкин.</p>

<sup>7</sup> Эски ва янги таҳрирдаги Солиқ кодексларига асосан муаллиф томонидан тайёрланди.

Камерал солиқ текшируви ўтказилиши тартибдаги ўзгаришлар	
Аниқланган ҳолатлар хўжалик субъектларининг ўзига шахсан ёки уларнинг шахсий кабинетларига юборилган. Агар талабнома жавобсиз қолган ёки белгиланган тартибда асослантилмаган бўлса, солиқ органлари солиқлар ҳисобланиши учун судга даъво аризалар киритган.	Солиқ ҳисоботларидаги тафовутлар ёки хатоликлар талабномада акс этади ва талабномаларга солиқ маслаҳатчилари хулосаларини жавоб сифатида юбориш мумкин. Агар солиқ органлари: - асослантилган хатга қониқиш ҳосил қилган тақдирда, талабномани бекор қилади; - қисман қаноатланган тақдирда фарқ суммасига қайта талабнома юборади; - талабномага жавоб олинмаган тақдирда солиқ аудити ўтказилади.

Сўнгги йилларда тафтиш тарзидаги солиқ текширувлари камайтирилиши, 2018-2019 йиллар мобайнида, шунингдек, 2020 йил 1 апрелдан коронавирус пандемияси муносабати билан солиқ текширувларига мораторий эълон қилиниши Ўзбекистонда камерал солиқ текширувига талабни кучайтирди.

Режали-мувофиқлаштирилган графиклар асосидаги текширишларнинг олиб ташланиши ҳамда тадбиркорлик субъектларининг нормал фаолият юритишларига халақит бериш ҳолатларининг сўнгги йилларда кескин қисқартирилиши корхоналар товар айланмалари ҳажми кескин ошишига таъсир қилганлигини қуйидаги расмда кузатиш мумкин.




**2-расм. Солиқ текширувлари қисқаришининг кичик тадбиркорлик субъектлари соф тушуми ошишига таъсири, 2017-2020 йй. (млрд. сўм, тадбиркорлик субъектлари сони мингда)<sup>8</sup>**

2-расмда келтирилганидек, тадбиркорлик субъектлари соф тушуми сўнгги йилларда кескин ошган, хусусан, 2016-2017 йилларда бу кўрсаткич 3,8 трлн. сўм атрофида бўлган бўлса, 2018 йилда у 5,1 трлн. сўм (1,3 баробарга ошган), 2019 йилда эса 7,1 трлн. сўмни (1,4 баробарга ошган) ташкил этган.

<sup>8</sup> Давлат статистика қўмитаси [www.stat.uz](http://www.stat.uz) сайти асосида муаллиф томонидан тайёрланди (фермер, деҳқон, суғурта ва банкларсиз).




Тадбиркорлик субъектлари соф тушумлари кўпайиши баробарида янги корхоналар сони ортганлиги ҳамда уларнинг асосий воситалари ҳажми ҳам кескин ошганлигини кузатиш мумкин.



**3-расм. 2017-2020 йилларда тадбиркорлик субъектлари асосий воситалари қиймати ўзгариши<sup>9</sup> (млрд. сўм)**

Тадбиркорлик субъектларининг асосий воситалари ҳажми ошиши муаллифнинг фикрича, узоқ муддатли бизнес режага эга, доимий фаолият юритувчи, келгусида иш фаолиятини мунтазам олиб бориш истагини билдирувчи тадбиркорлик субъектлари ҳажмига боғлиқ бўлиб, унинг ривожланиши тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётда меъёрда ривожланиб боришини аниқлатади.

Қуйидаги келтирилган 4-расмдан ҳам кўриш мумкинки, 2018-2019 йилларда хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бўйича текширишларнинг қарийб бекор қилинишига қарамай, солиқ тушумларининг ошиш динамикаси кузатилган.




**4-расм. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига солиқ тушумлари динамикаси (млрд.сўм)<sup>10</sup>**

<sup>9</sup> Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди (фермер, деҳқон, суғурта ва банкларсиз).

<sup>10</sup> Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.


Бевосита солиқ назорати, хусусан, камерал назорат билан боғлиқ омиллар солиқ тушумлари захираларини сафарбар этиш орқали Ўзбекистонда камерал солиқ назорати тизимини етарли даражада ривожлантириш лозимлигидан далолат беради.

Бундан ташқари, банкротлик асосида тугатилган корхоналар солиқ қарзи ҳисобидан чиқарилишининг ошиб боришидан текширув натижасида корхоналарга қўшимча ҳисобланган солиқлар ва молиявий жарималар ҳисобига корхоналар молиявий қийинчиликка келиб қолаётганлигини кузатиш мумкин.



**5-расм. Республика бўйича банкротлик асосида ҳисобдан чиқарилган солиқ қарзи (млрд.сўм)<sup>11</sup>**

Корхоналар банкротлиги ва унинг асосида солиқ қарзларининг умидсиз деб топилиб, ҳисобдан чиқарилиши Ўзбекистонда камерал солиқ текшируви самарадорлигининг етарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда. Чунки камерал назорат тизими орқали корхоналарда солиқ рисклари эрта аниқланиб, солиқларнинг яширилиши ёки нотўғри ҳисобланишининг олди олиниши мумкин эди. Қўшимча ҳисобланиши лозим бўлган солиқлар камерал назорат босқичидаёқ аниқланиб, якуний солиқ текширувлари натижаларига кўра қўлланилувчи молиявий санкциялар, шунингдек, улар билан боғлиқ кейинги молиявий қийинчиликлар ҳамда банкротлик ҳолатларидан тадбиркорлик субъектларини сақлаб қолиш лозим бўлса-да, юқоридаги расмда банкротлик асосида ҳисобдан чиқарилаётган солиқ қарзларининг ошиш тенденциясини кузатиш мумкин.



**6-расм. Солиқ қарзига нисбатан ҳисобдан чиқарилган солиқ қарзи динамикаси (фоизда)<sup>12</sup>**

<sup>11</sup> Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>12</sup> Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, сўнгги йилларда республика бўйича жорий солиқ қарздорлиги суммаси ошганлиги билан бир қаторда солиқ қарзига нисбатан ҳисобдан чиқарилган солиқ қарзи динамикаси ошишини ҳам кузатиш мумкин.

Жами солиқ қарзларига нисбатан ҳисобдан чиқарилган солиқ қарздорлиги нисбати динамикада кузатилса, 2016 йилда жами солиқ қарзининг 33,4 фоизига тенг миқдордаги қарздорлик суммаси ҳисобдан чиқарилган бўлса, 2020 йилга келиб, бу кўрсаткич 54,5 фоизни ташкил этган.

Камерал солиқ назорати механизмининг самарали ишлашида ташқи манба маълумотлари жуда муҳим ўринга эга. Ҳуқуқий жиҳатдан бу муаммо Ўзбекистонда етарлича ҳал қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 октябрдаги ПҚ-1843-сон қарорига асосан юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ мажбуриятлари юзага келиши ёки тугатилиши тўғрисида 128 турдаги ташқи ахборотларни 40 та вазирлик, идора ва ташкилотлар 112 та йўналиш бўйича Давлат солиқ қўмитасига тақдим этиш мажбуриятига эга. Бироқ мазкур ташқи манба маълумотларидан камерал солиқ текширувларида фойдаланиш ҳолати таҳлил қилинганда 112 та йўналишнинг 90 таси ёки 80,3 фоиздан фойдаланилмаслиги аниқланди.

## 2-жадвал

### Камерал назорат ўтказишда ташқи манба маълумотларидан фойдаланиш даражаси<sup>13</sup>


Кўрсаткичлар	Вазирлик ва идоралар сони	Йўналишлар сони	Умумий сонга нисбатан улуши (фоизда)
Жами ташқи манба маълумотлари	40	112	100
Фойдаланилмаётган маълумотлар	33	90	80,3
Фойдаланиладиган маълумотлар	11	22	19,6

Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар базасида фойдаланилмаётган маълумотларнинг бир қисми камерал солиқ текшируви мақсадларида фойдасиз (кераксиз) бўлса, бошқа қисмидан маълумот алмашинувининг рақамлаштирилмагани ёки бошқа сабабларга кўра самарали ёки умуман фойдаланилмаяпти. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ов ва спортга мўлжалланган ўқотар қуроллар ҳамда уларнинг ўқдориларини, шунингдек, тиғли қуролни (пичоқларнинг миллий турларидан ташқари) ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш, пиротехника буюмларини (ҳарбий мақсаддаги маҳсулотлардан ташқари) яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш фаолияти учун лицензия бўйича маълумот алмашиш тизими йўлга қўйилган бўлса-да, солиқ органлари томонидан мазкур маълумотлардан умуман фойдаланилмайди.

<sup>13</sup> Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Фойдаланилмаётган маълумотларнинг иккинчи турига мисол сифатида давлат хизматлари марказлари томонидан хўжалик субъектларининг таъсис улушлари ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ эмаслиги ва рақамлаштирилмагани ҳисобига мазкур маълумотлар асосида солиқ ҳисобланиши чекланганини келтириш мумкин.

Шунингдек, солиқ органлари ташқи манба маълумотлари сифатида хўжалик субъектларининг бошқа ташкилотларга юборадиган ҳисоботларидан ҳам самарали фойдаланмаяпти. Масалан, солиқ органларига топшириладиган маълумотлар билан бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Халқ банки ҳамда статистика органларидаги ҳисобот маълумотлари ўртасида ўхшашлик мавжуд (7-расм). Лекин солиқ органларида мазкур параллел ташқи маълумотлардан камерал солиқ текшируви ўтказишда самарали фойдаланилмаяпти. Хусусан, статистика органларида корхоналар ҳисоботларининг сифати бўйича қатъий назорат ўрнатилган бўлиб, ҳар бир ҳисобот шакларида мантиқий чегаралар белгиланган ва уларда корхоналар фаолиятининг физик кўрсаткичлари ҳам акс эттирилган. Бу эса ушбу маълумотлардан камерал солиқ текширувларида корхоналар хавфлилик даражасини аниқлаш имкониятлари мавжудлигини кўрсатади. Шундай бўлса-да, бугунги кунда мазкур маълумотлардан камерал солиқ текширувларида ташқи манба маълумотлари сифатида фойдаланиш амалиёти тўлиқ йўлга қўйилмаган.



**7-расм. Давлат солиқ хизмати ва бошқа ташкилотларда хўжалик субъектларига оид ўхшаш (параллел) маълумотлар<sup>14</sup>**

Шу билан бирга, давлат солиқ хизмати органлари томонидан ташқи манба маълумотлари сифатида фойдаланиш имкони мавжуд бўлган ташкилотлардан маълумотларни олиш ва улардан камерал назоратда фойдаланишга эътибор берилмаяпти. Масалан, Давлат хизматлари марказлари орқали «ягона дарча» тамойили асосида 130 турдан зиёд хизматлар тақдим этилмоқда. 2017 йилда


<sup>14</sup> Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Халқ банк маълумотларига асосан муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

аҳолига кўрсатилган хизматлар сони 12 мингтани ташкил этган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 13 миллиондан ошган.

Лекин Давлат солиқ қўмитаси билан Давлат хизматлари агентлиги ўртасида фақатгина тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтиши билан боғлиқ маълумотлар алмашинуви бўйича келишув йўлга қўйилган. Бошқа маълумотлардан (олинган лицензиялар, таъсисчилар тўғрисидаги маълумотлардан) фойдаланиш йўлга қўйилмаганлиги сабабли бюджетга қўшимча манба сифатида фойдаланиш имконияти мавжуд бўлган манбалар камерал солиқ текширувидан четда қолмоқда.

Кузатувлар кўрсатдики, хўжалик субъектлари томонидан бошқа ташкилотларга тақдим этиладиган ҳисоботлардан солиқ органларида ташқи манба маълумотлари сифатида самарали фойдаланилмаётганининг асосий сабабларидан бири топшириладиган ҳисоботларнинг тарқоқлиги ҳисобланади. Битта маълумот турли идора ва ташкилотларга юборилса-да, улар турлича кўрсатилиши камерал текширув натижаларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай маълумотлардан камерал солиқ текширувларида фойдаланилмай қолиши, ўз навбатида, давлат бюджетининг қўшимча маблағлардан маҳрум бўлишига сабаб бўлмоқда.

Хусусан, 2017-2020 йилларда солиқ ва статистика органларига кичик бизнес субъектлари томонидан топширилган ҳисоботларда соф тушум кўрсаткичларида фарқлар мавжуд бўлиб, бу йиллар давомида ягона солиқ, айланмадан олинладиган солиқ ва қўшилган қиймат солиғи тушумларига салбий таъсир кўрсатиб келган.



**8-расм. Кичик бизнес субъектлари соф тушум кўрсаткичларининг солиқ органларида статистика идораларига нисбатан фарқ қилиш ҳолати (2017-2020 йиллар)<sup>15</sup>**

8-расмдан кузатиш мумкинки, кичик бизнес субъектлари соф тушум кўрсаткичларининг солиқ органларида статистика идораларига нисбатан фарқ қилиш ҳолати 2017-2020 йиллар мобайнида қарийб ўзгармай келган. Хусусан, статистика идораларида соф тушум кўрсаткичлари солиқ органларига нисбатан кўп бўлиш ҳолати барқарор 30 фоиз, кам бўлиш ҳолати эса 50 фоиз

<sup>15</sup> Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

атрофида бўлган. Бошқача айтганда, кичик бизнес субъектларининг 30 фоизга яқини статистика ҳисоботларида соф тушумни камайтириб кўрсатган, тахминан 50 фоизи эса бу кўрсаткични статистика ҳисоботларида солиқ ҳисоботларидагидан кўра кўпроқ кўрсатган. Қолган 19-20 фоиз тадбиркорлик субъектларида эса солиқ ва статистика ҳисоботларида фарқлар мавжуд эмас.

